

YANGIOBOD OVOZI

YANGIOBOD TUMANI HOKIMLIGINING IJTIMOYIY-SIYOSIY, MA'RIFIY GAZETASI

№6 (43) 21-iyun, 2022 yil, seshanba

Ijtimoiy-siyosiy, ma'rifiy gazeta

Bahosi erkin narxda

Gazeta 2019 yil yanvardan chiqa boshladi

КАСБ-ХУНАР ЎРГАНИШ УЧУН ШАРОИТЛАР КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 15 июнь куни аҳолини касб-хунарга тайёрлаш ва мономарказлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, қурилиш каби кўплаб соҳалар ривожланиб, янги-янги корхоналар очилмоқда. Уларни малакали ишчи ва мутахассислар билан таъминлаш мақсадида олий ва ўрта махсус таълим йўналишлари ўзгартирилмоқда. Худудларда "Ишга марҳамат" мономарказлари ташкил этилиб, ёшларга касб ўргатилмоқда.

Тараққиёт стратегиясида бу борада навбатдаги қадамлар - ҳар бир фуқарога касб-хунарга ўқиш имкониятини яратиш, камбағаллики 2 бараварга қисқартириш мақсадлари белгиланган. Бунинг учун барча асослар бор. Масалан, биргина 2022 йилнинг ўзида жами 16 миллиард долларлик 9 мингдан зиёд йирик ва ўрта лойиҳалар амалга оширилмоқда. Уларга 300 мингга яқин малакали ишчилар керак.

Шу билан бирга, бу йил 404 минг ёшлар ўрта таълимни, 151 минг нафари профессионал таълимни битаириб, меҳнат бозорига кириб келади. Уларни тўғри йўналтириб, бандлигини таъминлаш - долзарб вазифа.

Лекин, очиғини айтганда, 330 та касб-хунар мактаби, 173 та коллеж ва 207 та техникум қўтилган натижани бермапти. Улардаги имкониятнинг атиги 40-50 фоиздан фойдаланилмоқда, холос. "Ишга марҳамат" мономарказлари бор-йўғи 10 фоиз ишсизларни қамраб олган.

Кўп коллеж ва техникумлардаги ўқув дастурлари замон талабига мос эмас, 1 минг 350 номдаги касбий дарслик ва адабиётлар етишмайди. Оқибатда иш берувчилар ходимлари қайтадан ўқитишга мажбур бўлмоқда.

Шу боис йиғилишда касб-хунар таълимини замон талабларига мослаштириш бўйича янги тизим жорий қилиниши белгиланди.

Яъни, 45 та коллеж Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимига ўтказилиб, уларнинг ўрнида мономарказлар ташкил этилади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги касб-хунар мактаблари ва техникумларни бошқариш ва методик таъминлашга масъул бўлади.

Ҳар бир вилоят, туман ва шаҳарда Касб-хунар таълими кенгашлари ташкил этилади ва уларга ҳокимлар раҳбарлик қилади. Кенгаш таркибига давлат идоралари, банк, ректорлар, Савдо-саноат палатаси ҳамда туман иқтисодиётидан келиб чиқиб, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва сервис корхоналари раҳбарлари киради. Улар мутахассисларига бўлган эҳтиёж асосида, мономарказ ва коллежларда ўқитиладиган касбларни белгилайди, ёшларни ишлаб чиқариш корхоналарига бириктириб, амалиёт ўташини ташкил этади.

Йиғилишда соҳадаги ижобий тажрибалар ҳам кўрсатиб ўтилди. Масалан, 57 та профессионал таълим муассасасида, Германия тажрибаси асосида, иш жойида ўқитишнинг дуал таълим шакли йўлга қўйилган. Мақабга таълим тизимида бу ўз натижасини бермоқда: педагогика коллежи ўқувчилари 2 кун назарий билимлар олиб, қолган кунлари боғчаларда ишлаб, ойлик олмақда.

Ёки яна бир мисол: Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги энергетика коллежида Саудия Арабистонининг "ACWA Power" компанияси буюртмаси асосида ёшларни муқобил энергия станцияси техникни, оператори ва диспетчери каби касбларга тайёрлаш бошланган. Бунинг учун компания 2 миллион 800 минг долларга коллежда замонавий устакхона, лаборатория ва ётоқхона барпо қилган.

Давлатимиз раҳбари бундай ишларни бошқа тармоқларда ҳам йўлга қўйиш, касбий таълим муассасаларини йирик саноат корхоналари ва кластерларга бириктириш бўйича тавсиялар берди.

Тахлилларга кўра, бугунги кунда олий таълим тизимида ўқитиладиган айрим мутахассисликларни техникумларга ўтказиш мумкин. Бу ёшларнинг ҳам вақтини, ҳам нақдини тежайди.

Техникумларга бўлган ёндашувларни ўзгартириш керак. Улар "институтга киришнинг осон йўли" эмас, мураккаб касб берадиган, меҳнат бозорида рақобат қиладиган тизим бўлиши керак, - деди Шавкат Мирзиёев.

Келгуси йил 1 январдан бошлаб, илмий даражаси бор техникум ўқитувчиларининг иш ҳақини олийгоҳлардагига тенглаштириш, янги ўқув йилидан техникум ва коллеж ўқувчилари учун ҳам имтиёзли таълим кре-

дитини жорий этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, техникумларга қабул бир йилда 2 марта ташкил этиш бошланади. Бу орқали касбий таълим билан қамраб олиш 35 фоизга ошади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига янги ташкил этиладиган мономарказларда замонавий касблар ва хорижий тилларни ўқитиш, Туркия, Жанубий Корея, Германия, Хиндистон ва Япониядан мутахассислар жалб қилиш бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишда касбий таълим муассасаларида ишлаётган ўқитувчи ва усталарни рағбатлантириш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Келгуси йил 1 январдан уларнинг ойлиги мактаб ўқитувчиларининг маошига тенглаштирилиши айтилди. Ўқитувчилар малака тоифаси учун тўланадиган устама ўртасидаги фарқ 2 баробарга оширилади. Эришган натижасига қараб, фидойи ва ташаббускор мураббийларнинг ойлигига 50 фоизгача устама тўлаш жорий этилади. Келгуси йилда бунинг учун бюджетдан қўшимча 150 миллиард сўм ажратилади.

Шу билан бирга, профессионал таълим муассасалари педагоглари малакасини оширишнинг янги тизими яратилди. Университетлар ҳузуридаги малака ошириш факультетлари ўрнига ҳар бир вилоятда Профессional тайёргарлик марказлари ташкил этилади. Бу марказлар иш берувчиларнинг эҳтиёжини ўрганиб, хорижий тажриба асосида педагоглар малакасини оширади.

Аҳолини касб-хунарга ўқитишда хусусий сектор улушини кўпайтириш учун ҳам бир қатор имтиёзлар белгиланди. Унга кўра, энди лицензия олиш учун талаблар енгиллаштирилиб, зарур маблағнинг минимал миқдори 2 бараварга камайтирилади. Бўш бинолар узок муддатга ижарага берилади. Хориждан келтириладиган қўлланма ва ускуналар божхона тўловларидан озод қилинади. Халқаро малака сертификатини олган ҳар бир битирувчи учун 1 миллион сўмдан тўланади. Эҳтиёжманд ёшлар тўлов-контракти маблағининг 30 фоизи қоплаб берилади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан вазирлар, ҳокимлар, касб-хунар мактаби ва мономарказлар раҳбарлари сўзга чиқиб, ўз таклифларини билдирди.

қаторда уларнинг маънавий ва маданий камолотга етишлари учун хизмат қилиши лозим. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

Зеро ёшларнинг билим олишлари билан бир қаторда уларнинг маънавиятини ҳам юксалтириш лозим.

У.БЕКМУРДОВ,
Халқ депутатлари
туман Кенгаши депутати.



ЯНГИОБОД ТУМАНИ ҲОКИМИ НОН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ШАХОБЧАЛАРИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ

Янгиобод тумани ҳокими Иброҳим Қаршибоев туманнинг 1-секторига қарашли Янгиобод ШФЙдаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш шаҳобчалари фаолияти билан танишди.

Ўрганишлар чоғида тадбиркорлар билан нарх-наво бора-сида мулоқот қилди. Уларнинг таклиф ва фикрларини тинглади. Нон маҳсулотларининг доимий бўлиши, нархларнинг ошиб кетмаслиги, ишлаб чиқарувчи ва сотувчиларнинг ўз ишига виждонан ёндашиши кераклигини таъкидлади.

Шунингдек, аҳолини узлуксиз нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш ва нарх-навонинг асоссиз ошиб кетишининг олдини олиш борасида мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ БЎЛИБ ЎТДИ

Янгиобод туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ташаббуси билан Янгиобод тумани 1-секторига қарашли Совот ҚФЙда "Уч авлод учрашуви" бўлиб ўтди.

Тадбирда Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими кексалар маслаҳатчиси Х.Тилаков, Совот ҚФЙ раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ва 40 дан зиёд кекса отахон ва онахонлар ва 50 дан зиёд ёшлар иштирок этишди.

Тадбир давомида "Бир нуроний ўн ёшга мураббий" лойиҳаси асосида кексаларга бирик-



тирилган ёшлар билан уларнинг муаммо ва таклифлари юзасидан суҳбатлашилди.

Тадбир доирасида нуронийлар ўртасида спортнинг стол тенниси ва шахмат-шашка ўйинлари ҳам ўтказилди.



МЕТАЛЛДАН ЯСАЛАДИГАН БУЮМЛАР ЙЎНАЛИШИДА ЎҚУВ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Янгиобод туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан барча маҳаллаларда хотин-қизлар ва ёшларни касб-хунарга ўргатиш мақсадида турли йўналишлар бўйича ўқув курслари ташкил қилинмоқда.

Шу жумладан, туманнинг Шодлик МФЙ ҳудудида марказ томонидан Каримов Умаркул ЯТТ билан ҳамкорликда металлдан ясаладиган буюмлар йўналишида ўқув ташкил этилиб, ҳозирда бир нечта ёшлар касбга ўқитилмоқда.

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ БИЛАН ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛАМИЗ

Барчамизга маълумки бош қомусимизнинг 9-боб 41-моддаси билан ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши ва мактаб ишлари давлат назоратида эканлигига белгилаб қўйилган.

Мен ушбу 41-моддага қўйидагича ўзгартириш киритиш лозим деб ҳисоблайман.

41-модда. Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Таълим муассасалари ёш авлодга билим бериш билан бир

Қўшимча устамалари тўлаб берилди таъминланди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 29 июндаги ПҚ-5168-сон қарорига асосан юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва уларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш Юридик хизмат кўрсатиш марказларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Марказлар томонидан хизмат кўрсатиладиган ташкилотларда қонунийлик ва қонун устуворлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида давлат мактабгача таълим муассасалари, ободонлаштириш бошқармалари, маданият, ветеринария бўлими ходимлари ҳам қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган имтиёз ва қўшимча устамаларни тўлаш амалиётини ўрганиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тумандаги давлат мактабгача таълим муассасалари, ободонлаштириш бошқармалари, маданият ва ветеринария бўлимларида ойлик иш ҳаққиларига нисбатан устамаларнинг тўланиши ҳолати юзасидан мониторинг ўтказилди.

Жумладан, Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2020 йил 30-октябрдаги ПФ-6099-сон Фармонида асосан "Спорт тарғиботчиси" қўшимча вазифасини юклаш ва унинг базавий лавозим маошига 20 фоиз миқдорида устама белгилаш бўйича Янгиобод туман мактабгача таълим ташкилоти ходими Султонқулова Озодага 5.347.068 сўм, Янгиобод туман Ободонлаштириш бошқармаси ходими Нематов Шаҳзод Илҳом ўғлига 2.001.386 сўм, Янгиобод туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими ходими Райимқулов Бегмурод Тожиқуловичга 3.687.767 сўм қўшимча устама пуллари асосиз равишда тўлаб берилмаганини холатлари аниқланган.

Шунингдек, мониторинг жараёнида тумандаги тегишли ташкилотларга ишчи ходимларнинг ойлик маошларига тегишли тартибда қўшимча устамалар тўланиши бўйича зарур тушунтиришлар берилган.

Т.ҚУРБОНОВ,
Янгиобод туман Юридик хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг " Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 11 майдаги ПҚ-4709-сонли қарори асосида жаҳон бозорлари талабларига жавоб бера оладиган рақобатбардош қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ҳудудларни ихтисослаштириш тўғрисида йўл эканлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида илмий билимларга асосан илғор технологияларни кенг жорий этиш асосида ислохотларни ўтказилаётганлиги айна мўдда бўлмоқда.

Бугунги кунда 35 миллиондан зиёд аҳоли хонадонларини, дастурхонларини обод қилаётган бозорларимиздаги хорижлик сайёҳларини қўзғаларини қамаштириб, мўъжиза каби ўзига сифатли ширин таъми билан ром қилаётган сар хил мева узумларимиз, қону-туршак майизларимизни сероблиги замирида Юртбошимизнинг ташаббуслари билан истиқболни ўйлаб чиқарилаётган фармонларни, қарорларни қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётганлигидир.

Халқ депутатлари Янгиобод туман Кенгашининг, туман ҳокимлигининг ҳудудларни узумчиликка, боғдорчиликка, сабзавотчиликка, мойли экинларни экишга ихтисослаштирилиши натижасида қўллаб иш ўринлари яратилмоқда. Бугунги кунда туман ҳудудларида агрокласс-терлар, МЧЖлар, деҳқон-фермер хўжалиқларининг саъйи ҳаракатлари билан 1000 гектардан зиёд тоқзор,

800 гектар боғ, 500 гектар тутзор, 300 гектар соя экинлари экилди. Аҳоли томорқаларида ҳам барча турдаги қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат экинлари меҳр билан сифатли экилиб келинмоқда. Аммо биз бу мўл ҳосилга махлий бўлиб, хотиржамликка берилмасдан барча экинларни меъёрдагидек органик, биогумус минерал ўғитлар билан озиқланти-

СИФАТЛИ МЕВА-ТАНГА ДАВО !

рилиб, барча агротехника талабларини бажаришимиз зарур. Айнақса мевали экинларимизнинг ашаддий зараркунандаларидан Комсток курти, Олма курти, Шарқ мевахўри, Олма қуяси, Анор мевахўри, Ёнғоқ мевахўри, Дўлана гирдак қуяси, Анжир парвонаси мевали дарахтларимизни вегетация даврида ҳам, ҳосилни пишиб етилиши даврида ҳам жуда катта зарар етказилади.

Комсток курти - кенг тарқалган ҳаммаҳўр ҳашарот. У деярли барча мевали, манзарали дарахтларга, дарахтсимон ўсимликларга ҳам жиддий зарар етказилади. Бу карантин зараркунандаси олма, нок, шафтоли, тут, анор ва 300 дан ортиқ бошқа мевали экинларни қаттиқ зарарлайди. Ургочиси қанотсиз 3-4 мм дан 5-6 мм гача оқ мумсимон рангли бўлади. Эркаги 1 жуфт қанотли қизғиш-жигаррангли 1-1.5мм, мўйловли бўлади. Унга қарши агротехник, биологик, кимёвий, ташкилий-хўжалик кураш чораларини қўллаш зарур. Инсектицид-

Китоб ҳақида ҳар қанча гапириш, унинг сифатларини соатлаб макташ мумкин. Сабаби, энг яқин дўст, энг зарур ҳамроҳ бўлган китоб, инсоният кашф этган ихтироларнинг энг буюғи ва энг қадрлиси, замонлар ўтсада ўз ўрнини ҳеч нимага бўшатиб бермаган мўъжизадир. Донулар китоб, китобхонлик ҳақида фикрлар билдирар экан адабиётлар билан ошно қалбга ҳеч қачон ёмонлик ин қурмаслигини таъкидлашади. Айниқса, болалигиданоқ китобга меҳр қўйган инсонларнинг ўз ўрни, одамлар орасида обрў-этибори алоҳида бўлади.

Доимо китоб ва китобхонлик ҳақида сўз кетар экан, китоб ўқиш ҳам ўргатиш, болаларни адабиёт билан ошно қилишда

ОИЛАДА-КИТОБХОНЛИК

қандайдир усуллардан фойдаланиш керак. Кўпчилик китоб ўқишни ўргатмаса ҳам бўлади, у кишининг ўзига боғлиқ. Агар кимнингдир китобга меҳри баланд экан бу ўз-ўзидан шаклланган одат, дейди. Бугун боланинг китоб ўқимаслигидан, телевизор телефондан бўшамаслигидан нолиганлар йўқ эмас. Болаларига ҳар куни бўлмасада ойда, йилда бир марта китоб совға қилсалар яхши бўлар эди.

Ҳар бир ота-она фарзандига масъул экан уни моддий жиҳат-

дан тўла таъминлаш билан бирга маънавий оламини бойитадиган, ақлини пешлайдиган, дунёқарашини кенгайтирадиган жиҳатларга ҳам эътибор қаратишлари лозим. Агар уйда ота-онасининг ўзи китобхон, китоб ўқишни севувчи, уйига китоб олиб келувчи бўлса, бу одат болага ҳам аста-секин шакллана боради.

Ф. РАХИМОВ,
Янгиобод туман Ахборот-кутубхона маркази директори.

МАЪНАВИЙ-МАРИФИЙ ТАДБИР



Янгиобод туман Сармич маҳаласида жойлашган мактабларда маънавий-марифий тадбирлар ўқазилиб келинмоқда. Жум-

ладан Янгиобод тумани халқ таълими бўлимига қарашли 18-ИДУМда "Шарқ юлдузи" журналининг бош муҳаррири Сиро-

жиддин Рауф, Маҳалла телеканали "Халқ билан мулоқот" кўрсатувининг муаллифи Рўзибой Қўлдошев, 18-ИДУМ мактаб директори ҳамда 9225 ҳарбий қисм 6 чегара қўриқлаш взводи ҳарбий хизматчилари билан ҳамкорлигида ўтқизилди.

Тадбир давомида Сирожидин Рауфов ва Рўзибой Қўлдошевлар ўзларининг ёшлик даврларини ва ўзлари ёзган "Соҳибқироним" "Юртдан олисда" каби шеърлари билан тадбирни кўтаринки кайфиятда ўтишига ва ўқувчи ёшлар ҳам меҳмон ижодкорларга ўзларининг ижодига мансуб шеърларини ўқиб устоз ва шоирларнинг тавсия ва маслаҳатларини тинглашди.

Тадбир якунида мактаб ўқувчиларига мутаоала учун ўзларининг қаламига мансуб шеърӣ китобларини совға қилишди.

Ўзбекистонда ҳам мавжуд. Намлик ва озуқа етарли тоғли, тоғолди ҳудудларда яхши ривожланади. Капалаги қанот ёзганда 16-22 мм. Оқ қанотлари кумушсимон, тухумли сарғиш, овалсимон, қуртининг катталиги 13-16 мм. кулранг- сариқ бўлади. Гумбаги 10 мм, сариқ, оқ зич пилла ичида жойлашади. Дарахтлар куртак чиқаргандан бошлаб зарар етказишни бошлайди. Барглари катта бўлгач, орқа томондан ейди, барглари ичида ғоваксимон, ўргимчаксимон тўрлар ҳосил қилиб, авлод қўяди. Пўстлоқларни, новдалардаги барглари остига 25-65 тагача авлод қўяди, сўнг диапаузага киради, агар 100 кун давомида ёгингарчилик бўлмаса нобуд бўлади. Унинг кушандаси иссиқ ва қуруқ ҳаво. Олма қуяси бир йилда бир марта авлод қўяди, унга қарши курашдан новдаларни гуллашидан аввал ва сўнг тавсия этилган инсектицидлар билан қарши курашилади.

Шунингдек, анор мевахўри, ёнғоқ мевахўри, анжир парвонаси каби зараркунанда ҳашаротлар ҳам дарахтларни ўсиб ривожланишига жиддий зарар етказилади. Уларга қарши агротехник, механик, биологик, кимёвий кураш чораларини қўллаш шарт ва зарур, албатта.

Шарқ мевахўри (шарқ мева курти) - Ўзбекистонда ички карантин объекти ҳисобланади. Унинг дарахтларга ва ҳосилга жиддий зарар етказишига кўра бошқа зараркунанда ҳашаротлардан тубдан фарқ қилади.

Шарқ мевахўри аввало дарахт барглари, сўнг мевасини, кейин эса янги ҳосил бўлган новдалари билан озиқланади, натижада ҳосил

70-80% гача камайиб, баъзи ёш янги ҳосилга кирган дарахтлар ва мевали ниҳоллар қуриб қолади. Ана шунинг учун ҳам шарқ мевахўри карантин объектига киритилган. Бу карантин объектига қарши кураш чоралари ҳам мутахассислар тавсияси, агротехник, биологик, кимёвий курашни меъёри асосида қўллаш юқори ҳосил олишга замин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги ПФ-6262-сонли фармони ва ПҚ-5185-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ташкил қилиниб, мамлакатимизда сифатли, экологик тоза, жаҳон бозорларида рақобатбардош экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш масаласи биз шу соҳа ходимларга катта ва масъулиятли вазифа юкланди.

Бизлар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси мутасаддилари учун барча маҳаллар хонадонларида, фермер хўжаликларида "сифатли мева - танга даво" қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нтиштириш учун фидоийлик ва садоқат билан фаолият олиб боришимиз - бугунги куннинг долзарб талабидир.

О.БЕГМАТОВ,
Халқ депутатлари Янгиобод туман Кенгаши депутати, туман Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўлими бошлиғи.

С.ҲАЙДАРОВ,
туман Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўлими етакчи мутахассиси.

Ўзбекистон Республикасининг "Оила" кодекси 23-моддасида: "Эр ва хотиннинг никоҳ давомида ортттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулк ҳисобланади" деб белгилаб қўйилган.

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида ортттирган мол-мулклари жумласига (эр ва хотиннинг умумий мол-мулкига) эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолиятидан, тадбиркорлик фаолиятидан ва интеллектуал фаолият натижаларидан ортттирган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, нафақалар, шунингдек махсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари киради. Эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қоғозлари, пайлари, омонатлари, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлари ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида ортттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари қимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъи назар улар ҳам эр ва хотиннинг умумий

ЭР-ХОТИННИНГ УМУМИЙ МОЛ-МУЛКИДАГИ УЛУШГА МУЛК ҲУҚУҚИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА ҚАНДАЙ ТАРТИБДА БЕРИЛАДИ?

мол-мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиндан бири уй-рўзгор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам эр ва хотин умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлади.

"Оила" кодексининг 27-моддасида эса эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тартиби белгиланган. Яъни "Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш эр ва хотиндан бирининг талабига кўра, улар никоҳда бўлган даврда ҳам, никоҳдан ажралишгандан кейин ҳам, шунингдек кредитор эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкдаги улушига ундирувни қаратиш учун умумий мол-мулкни бўлиш талаби билан арз қилган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулки эр ва хотин ўртасида ўзаро келишув асосида бўлиб олиниши мумкин. Эр ва хотиннинг хоҳиши билан уларнинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги ўзаро келишуви нотариал тартибда тасдиқланиши мумкин.

Низо туғилган ҳолларда эр ва

хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш, шунингдек, эр ва хотиннинг бу мол-мулкдаги улушини аниқлаш суд тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Нотариат тўғрисида"ги Қонунида белгиланган тартибда нотариуслар томонидан эр-хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида уларга гувоҳномалар бериш тартиби жорий этилган.

Унга кўра, эр ёки хотин умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома олиш учун нотариал идорага ариза билан мурожаат қилади. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролик" кодексининг 1135-моддаси, "Оила" кодексининг 27-, 28-моддаларига асосан уларнинг умумий мулкдаги улуши аниқланиб, тегишли тартибда гувоҳнома берилади.

Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, амалдаги қонунларимизда мобода эр-хотиндан бири вафот этган тақдирда уларнинг бирига мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериш белгиланган.

Ж.АБДУХОЛИҚОВ,
Янгиобод туман адлия
бўлими бошлиғи в.б.

МУРОЖААТЛАР ТУМАНДА ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентига Ишонч телефони орқали, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Янгиобод туман Халқ қабулхонаси орқали, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ишонч телефони орқали, "Худудгазтаъминот" акциядорлик жамиятининг ишонч телефони орқали, "Худудгаз Жиззах" газ таъминоти филиали ишонч телефони орқали мурожаатлар тушишини олдини олиш ҳамда ортиқча овозагарчиликка йўл қўймаслик мақсадида, "Янгиободтумангаз" газ таъминоти бўлими томонидан Янгиобод туманидаги табиий ва суюлтирилган газ таъминоти истеъмолчилари томонидан бўлаётган мурожаатларни ижобий ҳал этишда, бўлимда "Ишонч телефони" хизмати йўлга қўйилган бўлиб, ҳафтада 7 кун 24 соат давомида фуқароларни оғзаки мурожаатлари

қабул қилинмоқда. "Ишонч телефонлари" фаолияти устидан доимий мониторинг амалга оширилиб, улар орқали мурожаат қилаётган фуқаролар билан суҳбат жараёнида масъул ходимларнинг ўта ҳушмуомала ҳамда ҳолис муносабатда бўлишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни тизимли асосда олиб борилиб, бунда бўлимда олиб борилаётган ишларни мунтазам ўрганиб бориб, мурожаатларни келтириб чиқараётган сабаб ва омиларни таҳлил этиб ва уларни бартараф этиш ҳамда мавжуд шарт шaroитлардан келиб чиққан ҳолда барча масъуллар томонидан фуқароларни қабул қилиш ишлари бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан биргаликда "Янгиобод тумангаз" газ таъминоти бўлими тизимида халқ билан

узлуксиз мулоқот ва инсон манфаатлари учун хизмат қилиш барча даражадаги раҳбарлар учун нафақат мажбурият, балки ҳаётий тамойилга айланиши шарт деб белгилаб берилган вазифаларни рўёбга чиқариш ишлари амалга оширилмоқда.

"Янгиобод тумангаз" газ таъминоти бўлимида ўтказиладиган йиғилишда, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11-сентябрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги № 445-сонли қонунни мазмун моҳиятини "Янгиобод тумангаз" газ таъминоти бўлими масъул ходимларига доимий равишда тушунтирилиб, фуқаролар томонидан ишонч телефонлари орқали, оғзаки ва ёзма келиб тушаётган мурожаатларни ўз вақтида мурожаатчи иштирокида ҳал этилиши бўйича топшириқлар берилиб, мурожаатни бажарилишини раҳбарга кунлик маълумот қилинади.

Б.ҲАЛИМОВ,
Мурожаатлар бўлими
етакчи мутахассиси.



НАСЛЛИ ЧОРВАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Бугунги кунда яйловлар камийиб, чорвачилик маҳсулотларига талаб кучайиб бораётган бир даврда насли чорвачиликни ривожлантириш аҳоли ва фермер хўжаликлари орасида сигир ва қочириш ёшидаги таналарни сунъий уруғлантириш орқали чорва моллари наслини яхшилаш, насли - соҳага инновацион технологияларни жалб қилиш соҳада энг муҳим устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Бу борадаги ишларни ривожлантириш мақсадида айни дамда Жиззах вилоятида 100 дан ортиқ ветеринария шахобчалари ва "Чорванасл" маркази томонидан жалб қилинган мутахассис-осеминаторлар томонидан аҳоли ва фермер хўжаликларидаги сигир ва қочириш ёшидаги таналарни сунъий уруғлантириш бўйича сервис хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Наслчилик хўжаликларидаги насли молларни маҳсулдорлик кўрсаткичларини оддий фермер хўжаликларида парваришланаётган қорамоллар билан фарқини статистик маълумотлар асосида ҳам таққослаш мумкин.

Аммо ҳозирги кунда аҳоли ва фермер хўжаликлари томонидан насли чорвачиликни ривожлантиришга қизиқиш ортиб боргани сари насли чорвани ривожлантиришга қаратилаган ислохатларга тўсиқ бўлаётган бир қатор омиллар ва камчиликлар кузатилмоқда.

Мисол учун, насли чорвачиликни ривожлантириш ва чорва молларини боқишда аввало улар учун зарур бўлган етарлича озуқа базаси мавжуд бўлиши ва боқиладиган насли чорва моллари бизнинг иқлим минтақамизга мос келиши, агарда мос келмаган тақдирда етарлича шарт-шaroитни яратиш учун аҳоли ва фермер хўжаликлари орасида ветеринария хизматларини кўрсатиш, насли чорвачиликни ривожлантириш, сигир ва қочириш ёшидаги таналарни сунъий уруғлантириш орқали чорва моллари наслини яхшилаш яъни самарадорлигини оши-

риш бўйича билим-кўникмаларларнинг йўқлиги ва моддий жihatдан ресурсларнинг камлиги ёки умуман йўқлиги каби омиллар ва камчиликлар таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Чорвачиликни янада ривожлантириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида" 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-121-сон қарори ижросини таъминлаш ва насли чорвачиликни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган омиллар ва йўл қўйиладиган камчиликларни бартараф этиш мақсадида, аҳоли ва фермер хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш учун етарлича имкониятларни яратиш бериш борасида, бажарилиш лозим бўлган ишлар юзасидан масъул ходимларга вазифалар юклатилди.

Қарорда кўрсатилган вазифалар юзасидан "Ўзагроинспекция" Янгиобод туман бўлими ходимлари томонидан соҳада қонун устуворлигини таъминлаш, чорвачилик хўжаликларида белгиланган тартибда озуқа майдонлари ажратилиши ва улардан самарали фойдаланиш, чорвачилик, паррандачилик, баликчилик ва асаларичилик йўналишларида янги лойиҳаларни амалга оширилиши ҳамда чорвачиликни ривожлантириш бўйича қабул қилинган ҳудудий дастурларнинг, наслчилик ишларини ислоҳ қилиш билан боғлиқ қисмларини ижроси устидан қаттиқ назорат тадбирлари амалга ошириш мақсадида туманнинг қишлоқ хўжалиғи, ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш, "Чорванасл" бўлимлари раҳбарларига ушбу қарорнинг моҳияти тушунтирилиб аҳоли ва фермер хўжаликлари орасида насли чорвачиликни ривожлантириш учун етарлича шарт-шaroит яратиш беришга барча куч ва эътибор қаратилмоқда.

А.НАЗАРКУЛОВ,
"Ўзагроинспекция"нинг
Янгиобод туман бўлими
Чорвачиликда наслчилик
ишини назорат қилиш
бўйича катта инспектори

ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР - БУТУН ЖАҲОН МУАММОСИ

Экологик муаммоларга барча мамлакатлар ўзининг ички ва ташқи сиёсатининг муҳим муаммолари ечими тарзида қарамоқдалар.

Чунки экологик сиёсат глобаллашуви интефацияси асосида барча давлатлар экологик манфаатларининг умумийлиги ётади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, экологик сиёсатни шакллантириш зарурияти, бир томондан халқаро миқёсда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар глобаллашуви нафақат экологик фаолиятининг умумий ривожланиш жараёнларига алоқадор, балки жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида муҳим эътиборга молик.

Халқаро экологик сиёсат глобаллашуви билан бошқа ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд бўлиб, улар дастлаб муайян миллий давлатлар ҳудудларида, кейинчалик давлатлараро миқёсда интеграционал ха-

рактер касб этади. Шу нуқтаи назардан Марказий Осиёдаги суверен давлатлар экологик сиёсатидаги глобаллашувни уларнинг халқаро ва давлатлараро муносабатларининг дастлабки босқичлари дейиш мумкин.

Глобал экологик муносабатлар шароитида табиатни муҳофаза қилиш ишида халқаро ҳамкорлик зарур. Чунонки, табиий шароити хилма-хил бўлган катта мамлакатларнинг кучи билан табиатни муҳофаза қилиш масаласи ҳар доим ҳам ҳал қилиб бўлмайди. Теварак-атрофдаги табиатни муҳофаза қилиши масалаларига хилма-хил миллий ва оламшумул муаммолар киради. Масалан, кўчиб юрадиган ҳайвонлар, қушлар, балиқлар ва денгиз ҳайвонлари, давлат чегараларини тан олмайди. Бундай ҳайвонларни қўриқлаш муаммолари ёки теварак-атрофдаги муҳитни сақлашнинг умумий масалалари ҳукуматлар ўртасидаги битим ва халқаро

битимлар даражасида ҳал қилинади. Бизнингча, ҳозирги вақтда дунёда табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлиқнинг икки асосий шакли таркиб топди:

теварак-атрофдаги муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий захиралардан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича икки томонлама конвенциялар;

табиатни муҳофаза қилиш бўйича халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш.

Табиий муҳитнинг ҳозирги муаммоларига оид биринчи халқаро конфереция биосферадан рационал фойдаланиш ва захираларни муҳофаза қилишнинг илмий асослари бўйича экспертларнинг ҳукуматлараро конференцияси дунё табиий захираларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ишида катта воқеа бўлган. Бу конференция ЮНЕСКО биносидан очилиб, 1968 йил 4 сентябрдан 16 сентябрга қадар давом этган. Бу

конференция жуда ваколатли эди: унинг ишида ЮНЕСКО аъзолари бўлган 63 мамлакатдан 238 та делегат ва БМТ га аъзо мамлакатларнинг 6 та ва бошқа халқаро ташкилотлардан 88 та вакил қатнашган.

Конференцияда Швеция, Франция, Германия, Венгрия, АҚШ делегатлари айниқса муфассал маърузалар қилган. Конференция, бутун биосфера миқёсида табиатни муҳофаза қилишнинг барча муҳим масалаларини кўриб чиққан.

Табиатни муҳофаза қилишда 1948 йил ЮНЕСКО ва ЮНЕПО халқаро биологик дастур ёрдамида табиат ва табиий захираларни қўриқлаш тўғрисида иттифоқни тузилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу иттифоқ дунёдаги кўпчилик давлатларнинг вакиллари-муассаса ва жамоат ташкилотларини ўз ичига олади. 120 дан ортиқ халқаро ташкилотга мамлакатлардан 350 га яқин миллий ташкилот ва

кўплаб халқаро ташкилотлар киради. Бу ташкилотнинг штаб квартираси Швейцариядаги Женева қўли соҳилига жойлашган. Бу халқаро ташкилотнинг энг катта ишларидан бири ноёб "Қизил китоб"нинг яратилганлигидадир. Унинг ассамблеяларида ер шарининг конкрет минтақалари (масалан, Африка ва Ўзбекистон)да бўлган ҳайвон, ўсимликларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган кўпгина масалалар муҳокама этилиб аниқ вазифалар ижроси белгиланиб олинади.

Экологик сиёсатнинг миллий давлат чегараларидан ташқарига чиқиши, уларнинг глобаллашуви бошқа социал-иқтисодий алоқаларда ҳам муҳим рол ўйнайди.

Ж.ЁҚУБОВ,
Жиззах вилояти Янгиобод тумани 13-мактаб
география фани ўқитувчиси,
Халқ таълими аълочиси
халқ депутатлари туман
Кенгаши депутати.

